

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТИЛНИНГ СЎЗ ХАЗИНАСИ ВА ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИ

Низомиддин Махмудов,

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор. uzlit@uzsci.net

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297>

For citation: Mahmudov N.M. Lexical treasure of language and the linguistic picture of the world. International Journal of Word Art. 2018, vol. 1, issue 1, pp. 18-27



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-1-2>

Келиб тушган сана 18 январ, 2018
Эълон қилинган сана 20 феврал, 2018.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада антропоцентрик тилшуносликдаги олам манзарасининг бевосита ва билвосита турлари, оламнинг когнитив манзарасининг шаклланишида тилнинг ўрни, оламнинг бевосита манзараси "миллий онгда юзага келиши" каби муаммолар ҳамда бугун мустақиллик даври ўзбек тили лексикаси ва терминологияси тараққиётида сўз ўзлаштиришнинг фаоллашуви ўзбек тили лексикаси ва терминологияси ривождаги ўзига хос тамойиллардан бири эканлигини каби масалалар ўз ифодасини этган.

Калит сўзлар: антропоцентрик тилшунослик, оламнинг лисоний манзараси, оламнинг когнитив манзараси, миллий онг, миллий тил, концепт, сўз ўзлаштириш.

ЛЕКСИЧЕСКАЯ КЛАДЕЗЬ ЯЗЫКА И И ЯЗЫКОВАЯ КАРТИНА МИРА

Низомиддин Махмудов,

директор института АН Узбекистана языковедения, литературы и фольклора, доктор филологических наук, профессор.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассуждается о непосредственном и опосредственном видах языковой картины мира в антропоцентрической лингвистике, роли языка в формировании когнитивной картины мира, "формировании в национальном сознании" непосредственной картины мира, доказываемая, что активизация в лексике и терминологии современного узбекского языка заимствования слов является одной из актуальных проблем развития лексики и терминологии узбекского языка.

Ключевые слова: антропоцентрическое языкознание, языковая картина мира, когнитивная картина мира, национальное сознание, национальный язык, концепт, заимствование слов.

LEXICAL TREASURE OF LANGUAGE AND THE LINGUISTIC PICTURE OF THE WORLD

Nizomiddin Makhmudov,

director of the Institute of Language and Literature of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, doctor of philological sciences, professor.

ANNOTATION

This article discusses the direct and mediocre kinds of the linguistic picture of the world in anthropocentric linguistics, the role of language in the formation of the cognitive picture of the world, the "formation of a direct picture of the world" in the national consciousness, proves that the activation of words in the vocabulary and terminology of modern Uzbek is one of the words actual problems of the development of vocabulary and terminology of the Uzbek language.

Keywords: anthropocentric linguistics, linguistic picture of the world, cognitive picture of the world, national consciousness, national language, concept, borrowing word.

Инсон боласи ибтидоий сезги органлари ва интиҳо билмас ақлий заковати билан олам сирларини ундаги мавжуд интизомни инкишоф қилишга тинимсиз уриниш машаққатидан ҳузур қилиб яшайди. Мазкур машаққат ҳузурининг мағзу моҳияти шундан иборатки, одамзод шу тариқа билиш дейиладиган туганмас жараёнларнинг натижаси ўлароқ кашф қила борган унсурларининг яхлит тизими шаклидаги олам манзарасини яратади. Одам онгида яралган олам манзараси, табиийки, тамоман турғун, ўзгармас тузилма эмас, у тафаккур тараққиёти, жамият ривожини, фан ютуқлари, билиш усулларининг тақомили билан боғлиқ равишда ўзгариб, мукамаллашиб бориши мумкин.

Антропоцентрикликни асосий ғояси сифатида эътироф этган бугунги тилшуносликда "олам манзараси", айниқса, "оламнинг лисоний манзараси" тушунчалари марказий ўринни эгаллади. Ҳозирги тилшуносликда айрим тадқиқотчилар томонидан "олам манзараси" терминига "борлиқ ҳақида ижтимоий (шунингдек, муайян гуруҳ, индивидуал) онгда шаклланган билимларнинг муайян

тартибдаги жами" тарзида таъриф берилди ва оламнинг икки, яъни 1) бевосита ҳамда 2) билвосита манзараларини фарқлаш принципал аҳамиятга моликлиги таъкидланади¹.

Бундай қарашга кўра, "оламнинг бевосита манзараси атрофдаги борлиқнинг кишилар томонидан тўғридан-тўғри билиниши натижасида юзага келадиган манзарасидир. Билиш киши ихтиёридаги ҳам сезги аъзолари ёрдамида, ҳам абстракт тафаккур ёрдамида амалга ошади, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам мазкур олам манзарасининг онгда "воситачилари" бўлмайди ва оламни бевосита идрок этиши ҳамда англаши натижаси сифатида шаклланади". Бундай қараш тарафдорлари айни пайтда оламнинг бевосита манзараси "миллий онгда юзага келиши"га урғу берадилар ва бу манзара яратилиш усули, умумий методига боғлиқ эканлигини ҳам айтадилар. Ана шу усулга кўра муайян бир борлиқнинг, муайян бир оламнинг манзараси фарқли бўлиши мумкинлигини таъкидлайдилар, яъни ақлий ва ҳиссий, диалектик ва метафизик, материалистик ва идеалистик, назарий ва эмпирик, илмий ва "содда", табиий-илмий ва диний,

1. Попова З.Д., Стернин И.А. Язык и национальное сознание. Изд.3., перераб. и доп. -Воронеж: "Истоки", 2007. -С.4.

(Popova Z.D., Sternin I.A. Language and national consciousness. Publ.3., prepar. and additional. -Voronezh: "Origins", 2007.-P.4.)

физикавий ва кимёвий ва ҳоказо. Оламнинг бундай манзараси дунёни билиш (когниция) натижаси ўлароқ онгда шаклланишидан келиб чиқиб, мазкур тадқиқотчилар оламнинг бевосита манзарасини "оламнинг когнитив манзараси" деб номлайдилар. Улар онгда мавжуд бўлган айни шу оламнинг когнитив манзарасини моддийлаштирадиган, "нарсалаштирадиган" иккиламчи белгилар системаси воситасида концептлар ва стереотипларнинг қайд (ифода) қилиниши натижасини оламнинг билвосита манзараси сифатида кўрсатадилар, бундай манзаралар сирасига оламнинг лисоний ва бадиий манзараларини киритадилар¹. Шунинг ҳам таъкидламоқ керакки, бу тадқиқотчилар новербал тафаккур, яъни тафаккурнинг тилсиз воқеланиши ҳақидаги қараш тарафдорларидир².

Бу ўринда келтирилган фикрга нисбатан жиддий бир эътирозни айтиб ўтмоқ жоиздир. Олам манзараси бевосита (бирламчи) ва билвосита (иккиламчи) каби турларга ажратилар экан ва оламнинг лисоний манзараси билвосита ёки иккиламчи манзара сифатида талқин этилар экан, ўз-ўзидан оламнинг когнитив манзарасининг шаклланишида тилнинг ўрни тамоман инкор қилингандек бўлади. Биз эътироз билдираётган фикр муаллифларининг ўзлари оламнинг бевосита манзараси "миллий онгда юзага келиши"ни таъкидлайдилар, шубҳасизки, миллий онг миллий тилсиз мавжуд бўла олмайди, бу эса тилшуносликда эътироф этиб бўлинган ҳақиқат. Аксарият тадқиқотчилар тилнинг билиш

жараёнларидаги ролини фақат мавжуд ментал тушунчаларни, тайёр концептларни кодлаш, ифодалаш билан чегаралаш илмий ҳақиқатга зидлигини, инсон ақлий ва руҳий фаолиятининг бирон-бир кўриниши тилсиз амалга оша олмаслигини, фақат тилга кўрагина онг тузилиши ҳақида билиш мумкинлигини таъкидлайдилар³. Табиийки, онг жараёнларини, тафаккур фаолиятини тилга тамоман алоқасиз ҳодисалар сифатида талқин қилиш ҳар қандай илмий мантиқ мувозанатини ишдан чиқаради. Проф. Ш.Сафаров жуда ўринли таъкидлаганидай, "аслида "новербал тафаккур"нинг қандай юзага келишини тасаввур қилиш қийин, чунки борлиқ ҳақидаги фикрнинг фақат лисоний шакллари воситасида ўқий оламиз"⁴. Олам манзарасидаги марказий тушунчалардан бири "концепт" эканлиги ва мазкур манзара ана шу концептлардан таркиб топган яхлит "концептосфера"лиги бугунги фанда барқарор назарияга айланди. Аммо концепт қанчалик ментал, онга оид тушунча бўлмасин, уни тилдан, миллий-маданий унсурлардан бутунлай холи бўлган тушунча сифатида таърифлаш тўғри бўлмайди. Чунки "концепт мундарижасида тил соҳибларининг дунёқараши ва бошқа турли миллий-маданий белгиларнинг акс топиши муқаррар. Миллийлик ва маданийликнинг кучи шундаки, ҳатто умуминсоний аҳамиятга эга бўлган концептларнинг мундарижаси ҳам турлича қўшимча коннотатив маъно бўлақларига эга бўлиши мумкин"⁵.

Аммо таассуф билан таъкидлаш лозимки, сўнгги қисқа бир фурсатда хорижий тилшуносликларда, шунингдек,

1. Попова З.Д., Стернин И.А. Кўрсатилган асар, 5 - 6-бетлар.

(Popova Z.D., Sternin I.A. The shown work, pages 5 - 6.)

2. Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. -М.: АСТ: Восток-Запад, 2007. -С.20 - 22.

(Popova Z.D., Sternin I.A. Cognitive Linguistics. -М.: AST: Vostok-Zapad, 2007. - P.20 - 22.)

3. Бу ҳақда қар.: Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику. -М.: Флинта: Наука, 2007. -С.8.

(See about it: Maslova V.A. Introduction to Cognitive Linguistics. -М.: Flinta: Science, 2007.- P.8.

4. Сафаров Ш. Семантика. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2013. - Б.270.

(Safarov Sh. Semantics. -Т.: "National Encyclopedia of Uzbekistan", State Scientific Publishing House, 2013. - P.270.)

5 Сафаров Ш. Кўрсатилган асар, 279-бет.

(Safarov Sh. The shown work, page 279.)

ўзимиздаги хорижий филология илмида когнитив ёндашув, ундаги ментал тушунча ва жараёнлар тадқиқи, хусусан, концепт талқинлари "мода"га кирди, когнитологиянинг бевосита моҳиятига кўра, киши онгидаги мантиқий ва психик жараёнларнинг, таъбир жоиз бўлса, "гайрилисоний" изоҳлари устуворлик қила бошлади. Буни яхши иллаган тадқиқотчилар рус тилидаги тилшунослик илмида бугунги кунда когнитив ва концептуал "шов-шув" етакчилик қилаётганини, рус тилидаги энг янги лингвистик тадқиқотларнинг аксариятида "концепт" сўзининг қўлланиши биринчи ўринга чиққанлигини афсус билан айтмоқдалар, ҳазилга мойил мутахассислар киноя билан тилшунослар орасида "концептовит" деган касаллик тарқалган деб мутойиба қилаётганини ҳам қайд қилмоқдалар. Уларнинг қуйидаги фикрларига ҳам қўшилмаслик мумкин эмас: "Бугун шу нарса аниқ бўлдики, тил, ҳақиқатан ҳам, антропоцентрик, этноцентрик ва эгоцентриkdir. Тилшунос эса мантиқ ва психологияга, когнитив ва коммуникатив фанларга қанчалик эътиборли бўлмасин, уларнинг маълумотларидан фойдаланган ҳолда лингвоцентрик бўлмоғи шарт"¹.

Ҳозирги антропоцентрик тилшуносликка, демакки, унинг бағрида шаклланган лингвомаданиятшунослик, когнитив тилшунослик каби йўналишларнинг пайдо бўлишига дастлабки асос сифатида хизмат қилган В.Гумбольдт ва унинг издошлари (Л.Вейсгербер, Э.Сепир, Б.Уорф ва бошқалар)нинг қамровли ғояларида тилнинг дунёни билишдаги қиёссиз роли кўрсатиб берилган. Улар тиллар орасидаги мавжуд сезиларли

семантик фарқларга асосланиб, тил инсонларнинг тафаккури ва билиш жараёнини ва шу тариқа уларнинг онгида пайдо бўладиган дунёқараш ва яхлит олам манзарасини белгилаб бериши ҳақидаги хулосага келганлар. Бу хулосанинг моҳияти шуки, турли тилда гапирадиган одамлар оламнинг бир-биридан фарқли манзараларини яратадилар, дунёни фарқли тарзда идрок этадилар².

Албатта, ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий тафаккур тарзи мавжуд.

Кўпинча тилни кўзгуга менгзайдилар, гўёки тил кўзгу каби мавжуд нарсаларни қандай бўлса, шундайлигича, ҳеч бир ўзгаришсиз, айнан акс эттиради. Аслида эса тўлиғича шундай эмас, тил дунёни акс эттирар экан, мутлақо табиий равишда унга ўзидан ҳам нималарнидир "қўшади", унга ўзига хос шамоийил ва тартибот беради. В.М.Шаклеин айтганидай, "тилни "оламнинг кўзгуси" дейишга асос бор, аммо бу кўзгу идеал эмас, чунки у дунёни бевосита эмас, балки одамлар жамоасининг субъектив билиши, идроки кесимида акс эттиради"³.

Яна бир бор таъкидламоқ жоизки, оламнинг лисоний манзарасини инсон онгида мавжуд олам манзарасининг тил воситалари орқали шунчаки акс этиши натижаси сифатида талқин қилиш тилдай бемисл қудратни бениҳоя жўнлаштиришдан бошқа нарса эмас. Оламнинг когнитив манзарасининг бунёд бўлишида, умуман, билиш (когниция) дейиладиган изчил амалнинг муайян мақсад манзилига етишида тил қуюшқонининг қатъий қоидаларидан асло кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам когнитив тилшуносликда тил инсон миясида амалга ошадиган барча

1. Сусов А.А., Сусов И.П. Размышления о концептах / Вісник Харківського національного університету ім. В.Н.Каразіна. N726. Серія: Романо-германська філологія. Методика викладання іноземних мов. Вип. 49. - Харків, 2006. -С.14 - 20.

(Susov A.A., Susov I.P. Reflection on the concepts / The Bulletin of the Kharkiv National University named after V.N. Karazina. N726. Seria: Romano-Germanic philology. The method of mapping of the in-ground moov. 49.- Kharkiv, 2006.-P.14-20.

2. Бу ҳақда қар.: Чесноков П.В. Картина мира в языке и речи / Ярославский педагогический вестник. - 2011. -N2. -Том 1 (Гуманитарные науки). -С.151.

(See also: Chesnokov P.V. The picture of the world in language and speech / Yaroslavy Pedagogical Bulletin. - 2011. -N2. -Том 1 (Humanities). -С.151.)

3. Шаклеин В.М. Лингвокультурология: традиции и инновации. -М.: Флинта, 2012. -С.72.

ментал жараёнларни, инсон онгини англашнинг воситаси сифатида қаралади, лисоний бирликлар ўз-ўзича эмас, балки улар алоқаланган когнитив тузилмалар билан биргаликда ўрганилади; билимларнинг ортиши ва тараққий қилишига олиб келувчи барча жараёнларда тилнинг мутлақ роли эътироф этилади¹.

Фалсафий, бадий, илмий каби оламнинг турли манзараларида тилнинг ўрнини ва айна пайтда бу манзараларнинг тилдаги ўрнини асло инкор этиб бўлмайди. Тадқиқотчилар ҳақли равишда таъкидлаганларидек, тил олам манзараси билан боғлиқ икки жараёнда бевосита иштирок этади, яъни, биринчидан, инсон шууридаги олам манзарасининг энг теран қатлами бўлмиш оламнинг лисоний манзараси айнан тил бағрида шаклланади; иккинчидан, тилнинг ўзи инсондаги олам манзараларининг бошқа турларини ифодалайди ва намоён (экспликация) қилади; шу тариқа алоҳида индивидлар томонидан қўлга киритилган тажрибавий билимлар фақат тил ёрдамида жамоа (халқ) тажрибасига, жамоа (халқ) мулкига айланади². Шунинг учун ҳам оламнинг лисоний манзарасининг алоҳида мақомга эга эканлигини айтиш мақсадга мувофиқдир.

Халқнинг дунёни миллий кўриш тарзи ва идрок интизоми, энг аввало, шу халққа оид оламнинг лисоний манзарасида қайд этилади.

Оламнинг лисоний манзараси тегишли тил жамоаси онгида тарихан шаклланган ва унинг тилида барқарорлашган дунё ҳақидаги тасаввурлар, дунёни англаш ва

бўлаклаш усулларининг жами бўлиб, у мазкур тил соҳибларининг барчаси учун одатий, табиий ва мажбурийдир. Айна шу одатийлик, табиийлик ва мажбурийлик олам лисоний манзарасининг бардавомлигини, тарихий даврлараро тил жамоасида (қавм, халқда) тириклиги ва ворисийлигини, авлоддан авлодга ўтиб келаверишини таъминлайди.

Шубҳасизки, оламнинг лисоний манзараси яралиши ва ташаккулида тил сатҳларининг барчаси иштирок этади. Шунга қарамасдан, олам лисоний манзарасининг яралиши ва акс этишида тилнинг, айниқса, луғат бойлиги, яъни лексик(-фразеологик) сатҳнинг алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш жоиз. О.А.Корнилов ҳар бир конкрет тил ўз луғати билан миллий ўзига хосликка эга бўлган ўз лисоний манзарасини намоён қилишини ишонарли тарзда асослаб берган³. Бугунги тилшуносликда кишилик жамияти тараққиётининг муайян босқичида барча хусусий фанлар томонидан ишлаб чиқилган олам ҳақидаги билимларнинг жами "оламнинг илмий манзараси" номи билан умумлаштирилади ва барча халқлар учун ягона инвариант мазмунга эга бўлган бундай олам манзараси ҳар бир миллий тилда миллий терминологиянинг шаклланиши воситасида миллий ифода шаклларида эга бўлиши таъкидланади⁴. Муайян фан тармоғига дахлдор олам манзарасининг лисоний инъикоси "оламнинг касбий лисоний манзараси" тарзида номланади ва умуман, оламнинг миллий илмий манзарасидаги каби унинг асосини мазкур фан тармоғига оид

1. Бу ҳақда қар.: Новодранова В.Ф. Роль обыденного знания в формировании научной картины мира / Терминология и знание. Материалы I Международного симпозиума. -М., 2009. -С.89 - 90.

(About it: Novodranova V.F. The role of everyday knowledge in the formation of the scientific picture of the world / Terminology and knowledge. Proceedings of the First International Symposium. -М., 2009.-P.89-90.)

2. Қар.: Шаклеин В.М. Кўрсатилган асар, 69-бет.

(See: Shaklein V.M. The shown work, page 69.)

3. Корнилов О.А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. -М.: МАЛП, 1999. -С. 75 - 291.

(Kornilov O.A. Language pictures of the world as derivatives of national mentality. -М.: MALP, 1999.-P. 75 - 291.

4. Батафсил қар.: Корнилов О.А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. 2-е изд., испр. и доп. -М.: ЧеРо, 2003. - П. 9 - 12.

(Detailed information: Kornilov O.A. Language pictures of the world as derivatives of national mentality. 2 nd ed., Rev. and additional. - М.: ЧеРо, 2003.-P. 9 - 12.)

терминология ташкил этиши қайд этилади¹. Дангал айтиш мумкинки, оламнинг лисоний манзарасининг бунёд бўлишида тилнинг лугат бойлиги, шу жумладан, терминлар, шунингдек, фразеологик ибораларнинг алоҳида ўрин тутиши ҳозирги антропологик тилшуносликда эътироф этиб бўлинган қоидалардандир.

Шу нарса ҳам эски ҳақиқатки, ер юзида тамоман соф, бошқа бир тилдан сўз ёки термин ўзлаштирмаган бирорта тил йўқ. Тарихий тараққиётнинг турли даврларида турли, узоқ-яқин халқлар ўртасидаги турли даражадаги алоқаларнинг табиий натижаси ўлароқ бу халқлар тилларининг бири бошқасига таъсир кўрсатган, уларнинг биридан бошқасига, кўпдир-камдир, муайян миқдордаги сўз ўтган, албатта, бу жараёнлар табиий-ихтиёрий равишда ёки баъзан мажбурият-таъйиқ остида воқеланганлиги маълум.

Бу жараёнларга тилшуносларнинг, филологларнинг, умуман, зиёлиларнинг муносабатлари ҳеч бир замонда айнан бир хил бўлган эмас, бу ҳодисани айримлар тилни бойитишга хизмат қиладиган ижобий жараён сифатида баҳоласалар, баъзилар тилнинг софлигига путур етказадиган, тамомила зарарли ҳодиса сифатида талқин қиладилар. Бунда кўпинча керагидан ортиқ радикализм кўзга ташланадики, бу хорижий сўзни ўзлаштиришда меъёр масаласини, объектив омилларни, тилнинг табиий тараққиёт тамойилларини эътиборга олмаслик натижасидир.

Она тилини ҳар қандай очиқ ёки пинҳоний сунъий-сиёсий зуғумлардан, тилнинг миллий-табиий табиатига ёт бўлган таъсирлардан, унинг ўз юртида эмин-эркин яшашдай қонуний ҳуқуқини поймол этувчи ҳар қандай фирром ҳаракатлардан қўриш, асраб-авайлаш бу тилда алла эшитган фақат олим эмас, балки одам бўлганларнинг ҳам

барчаси учун фарздир. Шунинг учун ҳам ўзбек тилининг давлат тили мақомини кафолатлаган, бу тилни ҳар қандай қутқудан қўриқлайдиган "Давлат тили ҳақида"ги қонунимиз билан истиқлолга қадам қўйдик.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўз тилларининг софлигини сақлаш борасида жиддий ишлар олиб борилмоқда. Бунда асосий саъй-ҳаракатларнинг бош йўналиши хорижий сўзларнинг ўзлаштирилишини қонун йўли билан чеклашга қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Масалан, Исроилда хорижий ўзлашмаларнинг иврит адабий тилида қўлланишини тақиқловчи қонун мавжуд бўлиб, у ҳукумат ҳузуридаги Иврит тили академияси томонидан ишлаб чиқилган. Шунингдек, Франциядаги тил ҳақидаги қонунчилик инглиз тилидан ўзлашган лексиканинг савдо-реклама маҳсулотларида қўлланишига йўл қўймайди². Бундай мисоллар жуда кўп.

Эътироф этмоқ жоизки, бошқа тилдан сўз ўзлаштириш ўзлаштирувчи тилдаги оламнинг лисоний манзарасига сезиларли таъсир кўрсатади. Муайян тилдаги оламнинг лисоний манзарасидаги мавжуд мувозанатни бузмасликдай мақбул мақсад билан ҳар қандай хорижий ўзлашмага гов қўйишга уринавериш тўғри бўлмайди. Чунки бу, айниқса, глобаллашув асри аталмиш бугунги шиддатли, макону масофани писанд этмайдиган замонда номумкин юмушдир.

Айрим тадқиқотчилар сўнгги йилларда рус тилида, айниқса, инглиз тилидан сўз ўзлаштириш жараёнлари жуда фаоллашганлигини таъкидламоқдалар, бу ҳодисани рус тили тараққиётидаги етакчи тамойиллардан бирига айланганлигини айтмоқдалар. Бизнес, интернет, компьютер технологиялари, электрон ОАВ кабилар билан боғлиқ ғарб ҳаёти реалиялари билан биргаликда инглиз тили лексикаси катта

1. Чернышова Л.А. Отраслевая терминология в свете антропоцентрической парадигмы. -М.: Изд-во МГОУ, 2010. -С.13 - 16.

(Chernyshova L.A. Branch terminology in the light of the anthropocentric paradigm. - М.: Izd-vo MGOU, 2010.- P.13 - 16.)

2. Бу ҳақда қар.: Маринова Е.В. "Вечный вопрос" о заимствованиях // Русская речь. -М., 2014. -N2. -С.58. (See also: Marinova E.V. "The eternal question" of borrowings // Russian speech. -М., 2014.-N2. -P.58.)

миқдорда рус тилини тўлдираётгани жамият тараққитининг ҳозирги босқичида тил ривожининг қудратли омилларидан бири сифатида намоён бўлаётганини қайд этмоқдалар¹. Замоनावий илғор фан, техника, технологиялар билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи чет сўзлар, хусусан, инглиз (америка варианты) тили сўзлари жуда кўплаб тилларга кириб бормоқда. Ҳатто бошқа тиллар таъсирига ўта ҳушёрлик билан қарайдиган бугунги японларнинг тилидаги компьютер техникасига оид терминологиянинг нақд 99 фоизи инглиз тилидан ўзлаштирилган сўзлардир².

Табиийки, инсоннинг (халқнинг) дунёни билиш даражаси, унинг тасавуридаги олам манзараси, билимлар мажмуи бир жойда турмайди, у муттасил ривожланиб боради, натижада мазкур манзара таркибида янги-янги тушунчалар, концептлар пайдо бўлади. Бошқача айтганда, олам манзараси, яъни "концептосфера" бойиб боради. Проф.Ш.Сафаров ўринли қайд этганидай, "албатта, концептосфера турғун ҳодиса эмас, унинг ҳудуди доимо кенгайиб, инсоннинг воқеликни идрок этишдаги эҳтиёжи ва имкониятлари ўсиб боргани сари унинг концептлар захирасининг миқдори ошади, мундарижаси мураккаблашади. Индивидларга хос концептосфералар, ўз навбатида, алоҳида ижтимоий гуруҳлар - социумлар, этник гуруҳлар ва, ниҳоят, миллатлар концептосферасининг таркиб топиши учун асос бўлади. Миллий концептосфера

майдонидан ўрин олган концептнинг мундарижаси янада кенгайди, у миллий-маданий қийматли бирликка айланади"³.

Муайян бир халқнинг концептосферасидаги, яъни миллий олам манзарасидаги ана шундай бир концепт, жўнроқ қилиб айтганда, бир тушунча бошқа халқнинг миллий олам манзарасига ўтиши мумкин. Бу, албатта, у ёки бу даражадаги эҳтиёж натижасида юз беради. Масалан, бундан юз эллик йиллар илгари ихтиро қилинган масофадан туриб овозли алоқани таъминлайдиган махсус асбобни билмайдиган халқ ёки миллатни топиб бўлмади, бу асбоб дунёнинг барча бурчакларига, қаерда анча олдин - қаерда нисбатан кейин, кириб бориб бўлган. Ихтиро қилинган пайтда "телефон" деб номланган бу асбоб бугун дунёнинг деярли барча тилларида, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам айни ном билан (айнан ёки муайян фонетик вариантларда) аталади, мазкур хорижий ном дунёдаги аксарият тилларга ўзи номлаган предметга бўлган эҳтиёж туфайли ўзлашиб бўлган.

Бундай ўзлаштириш дунё тилларининг барчасида объектив ҳолат бўлиб, унинг моҳияти хорижий олам манзарасидан тушунча ўзлаштиришдан иборат. Табиийки, бунинг натижасида сўз олувчи тилдаги оламнинг концептуал манзараси кенгайди⁴. Албатта, бундай ўзлашмалар оламнинг лисоний манзарасига сезиларли даражада таъсир қилади, яъни бу манзарадаги бўшлиқ (лакуна)ни тўлдиради⁵, тўғрироғи, бунга мувофиқ равишда ўзлаштирувчи тилнинг лисоний манзараси ҳам бойийди.

1. Карапетян М.В. Лакунарность и развитие языка / Лакуны в языке и речи. Сборник научных трудов. - Благовещенск, 2003. -Р.64.

(Karapetyan M.V. Lacunarity and development of language / Lacuna in language and speech. Collection of scientific papers. -Blagoveshchensk, 2003. -P.64.

2. В.М.Алпатов. Зачем японцам гайрайго? / http://ru-jp.org/yaponovedy_alpatov_01r.htm

(V.M. Alpatov. Why do the Japanese gairai-go? / http://ru-jp.org/yaponovedy_alpatov_01r.htm)

3. Сафаров Ш. Кўрсатилган асар, 268-бет.

(Safarov Sh. The illustrated work, page 268.)

4. Серебренников Б.А. Роль человеческого фактора в языке. Язык и мышление. -М.: Наука, 1988. -С.80.

(Serebrennikov B.A. The role of the human factor in the language. Language and thinking. -M.: Science, 1988.-P.80.)

5. Шмелев А. Ложная тревога и подлинная беда // Отечественные записки. -2005. -N2 (23) / <http://www.strana-oz.ru/2005/2/lozhnaya-trevoga-i-podlinnaya-beda>

(Shmelev A. False alarm and genuine trouble // Domestic notes. -2005. -N2 (23)/ <http://www.strana-oz.ru/2005/2/lozhnaya-trevoga-i-podlinnaya-beda>

Ўзбек тилидаги компьютер техникаси билан боғлиқ сўз(термин)ларнинг аксарияти хорижий ўзлашмалар (инглиз, рус тилларидан) эканлигини эшлаш ва бу ҳолатнинг табиий эканлигини эътироф этиш мумкин, улар тушунча билан бирга сўз ўзлаштиришнинг табиий натижасидир. Бу хорижий сўз ўзлаштиришнинг биринчи типи бўлиб, ўзлаштирувчи тил соҳиблари бундай усулда ўзлаштирилган сўзларга унчалик ҳам ғашлик билан қарамайдилар (гарчи ҳар қандай хорижий сўзни номақбул ҳолат деб қаровчилар ҳам йўқ бўлмаса-да). Проф.Б.А.Серебренников тўғри қайд этганидек, "тушунча + сўз" тарзидаги ўзлаштириш энг кам ижтимоий қаршиликка учрайдиган йўл"дир, чунки бунда ўзлаштирувчи тилдаги концептосфера ҳам, оламнинг лисоний манзараси ҳам кенгайди, улар ўртасида симметрия воқеланади¹.

Хорижий тушунча ўзлаштирилар экан, у билан бирга бу тушунчани ифодаловчи хорижий сўз ўзлаштирилмасдан, бу тушунча учун ўзлаштирилувчи тилнинг ўз сўзи танланиши ёки янги сўз ясалиши (калька) ҳам мумкин. Масалан, русча "предприниматель" тушунчаси ўзлаштирилар экан, уни номлаш учун ўзбекча "тадбиркор" сўзи танланган ва бу сўз ўзбек тилининг фаол лугатидан жой олган. Ёки "сотовая связь" тушунчасини ўзлаштиришда мазкур русча бирлик ўзбек тилига калькалаш йўли билан олинган, яъни ўзбек тилида "уяли алоқа" тарзидаги номинатив бирлик ясалган. Албатта, тушунча ўзлаштиришнинг бу кўринишида ҳам оламнинг концептуал манзараси билан бир қаторда ўзлаштирувчи тилдаги оламнинг лисоний манзараси ҳам бойийди, яъни ўзлаштирувчи тилдаги муайян сўз янги маъно касб этади ёки янги бирлик пайдо бўлади.

Ўзлаштирувчи тилда мавжуд бўлган тушунчани номлаш учун бошқа тилдан сўз

олиш сўз ўзлаштиришнинг яна бир алоҳида, иккинчи типидир. Масалан, "бирор асар, ихтиро ва ш.к.ни яратувчи" тушунчаси ўзбек миллий- маданий олам манзарасида мавжуд ва бу тушунча "муаллиф" сўзи билан илгаридан ифодаланган, аммо муайян субъектив мажбурият остида хорижий тилда мазкур тушунчани ифодаловчи "автор" сўзи ўзбек тилига ўзлаштирилган (бугун ўзбек тилида эскидан мавжуд "муаллиф" сўзи тикланиб, мазкур ўзлашма истемолдан деярли чиқиб бўлди). Бу типдаги сўз ўзлаштиришда олувчи тил соҳиблари онгидаги оламнинг концептуал манзарасида ўзгариш содир бўлмайди, ўзгариш фақат олувчи тилдаги оламнинг лисоний манзарасигагина дахлдор бўлади. Бу ҳолат мазкур икки тип сўз ўзлаштириш ўртасидаги принципиал фарқнинг моҳиятини белгилайди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, инглиз тилидаги тилшунослик терминологиясида кўпинча мазкур икки типдаги ўзлаштириш фарқли терминлар билан номланади, яъни: тушунча ва уни ифодалайдиган сўзни биргаликда ўзлаштириш - "borrowing", мавжуд бўлган "ўз" тушунчани ифодалаш учун бошқа тилдан сўз ўзлаштириш - "loaning"². Англашилиб турганидай, биринчи типнинг реал ва пировард мақсади янги тушунчани ўзлаштиришдан иборат бўлса, иккинчи типнинг реал ва пировард мақсади фақат хорижий сўзнигина ўзлаштиришдан иборат. Бунинг устига, биринчи тип сўз ўзлаштириш объектив асосларга эгаллигини, иккинчи тип эса кўпроқ муайян субъектив сабаблар билан боғлиқ эканлигини сезмаслик мумкин эмас.

Алоҳида қайд этиш жоизки, сўз ўзлаштиришнинг биринчи типи концептуал олам мазарасининг тўлиб-тўлиқиб боришида ва, демакки, тил лексикасининг тараққиётида етакчилик қилади. Масалан, кейинги йилларда ўзбек кураши дунё спорти силсиласидан жой олиб улгурди,

1. Серебренников Б.А. Кўрсатилган асар, 80-бет.
(Serebrennikov B.A. the shown works. pages 80.)

2. Бу ҳақда қар.: Серебренников Б.А. Кўрсатилган асар, 81-бет.
(See also: Serebrennikov B.A. The illustrated work, page 81.)

жаҳоннинг турли халқларидаги концептуал олам манзарасига муайян концепт сифатида кириб борди, ана шу тариқа ўзбекча "кураш" сўзи (унинг қоидаларига дахлдор "ёнбош", "ҳалол", "чала", "ғирром", "дакки", "тўхта" каби терминлашиб улгурган сўзлар билан бирга) турли тиллардаги оламнинг лисоний манзарасида муқимлашди, албатта, уларнинг лексикаси бойиди. Ёки ўзбек тилида русчадаги "квас", "сутка" сўзлари ифодалайдиган тушунчалар алоҳида сўз билан номланмаган, чунки бу тушунчалар ўзбек миллий-маданий олам манзарасида мавжуд эмас эди. Мазкур тушунчалар ва уларни ифодаловчи сўзлар ўзбек тилига ўзлашган, табиийки, ўзбекнинг концептуал ва лисоний манзарасини бойитган.

Ўзбек тили лексикаси тараққиёти тарихида, айниқса, ўтган асрнинг 20 - 30-йилларида сўз ўзлаштириш жараёнларида хилма-хил, нотекис ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, ўша даврда халқ ҳаётига кириб келган турли янгиликлар ва улар билан боғлиқ тушунчаларни номлашда хорижий сўздан эмас, балки фақат ўз сўзлардан ёки янги сўз ясашдан фойдаланиш тамойилига асосланган. Масалан, "велосипед", "трактор", "пароход", "паровоз" тушунчаларини ифодалаш учун "жинарава" ("шайтонарава"), "ўтомоч", "сув айғири", "оташарава" каби ўзбекча ясама бирликлар ҳосил қилинган, табиийки, ўша даврда халқнинг техника тараққиётининг бу даражадаги мўъжизаларини тасаввурга сиғдирилмаслиги, чексиз ҳайрати натижаси ўлароқ юзага келган мазкур сўзлар халқ тасаввуротининг соддалиги натижасидир. Албатта, вақтлар ўтиши билан бу жуда жўн тасаввур маҳсули бўлган ўз сўзлардан воз кечилиб, хорижий айни "велосипед", "трактор", "пароход", "паровоз" сўзларининг ўзи ўзлаштирилган. Шунингдек, ўша даврларда "водород"

("ҳидрожен") тушунчасини ифодалаш учун олдин арабча "муваллидулмо", кейинроқ ўзбекча "сувчил", "сувтуғдиргич" сўзлари, "кислород" ("оксижен") тушунчасини ифодалаш учун олдин арабча "муваллидулҳамуза", кейинроқ ўзбекча "аччил", "аччиқтуғдиргич" сўзлари қўлланган¹. Аммо бу сўзларнинг биронтаси ҳам ўзбекча оламнинг лисоний манзарасидан муқим ўрин олмади, бориб-бориб, ўзбек тили лексикаси мазкур тушунча билан бирликда ўша русча "кислород" ва "водород" сўзларини ўзлаштирди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жамият тарихининг жиддий эврилишлари даврида халқнинг миллий уйғониши алоҳида куч ва суръат касб этиши табиий. Бундай пайтларда миллий маънавият, маданият ва маърифат муаммолари қаторида тилга, унинг луғат бойлигининг софлигига айрича муносабат воқеланади, бу бениҳоя мақбул бир ҳолат. Аммо кўпинча бундай ҳаракатлар меъёр, мўътадиллик, холислик каби тўғри йўлдан чиқиб, радикалликка томон тойиб кетадики, бу тилнинг табиатиға хос бўлган қонуниятларни тўғри баҳолай олмаслик, унинг лексик тараққиётини таъминлайдиган ички ва ташқи омиллар нисбатини етарли белгилай билмаслик билан боғлиқдир. Яқин тарихимиздаги бир-икки мисол билан буни кўрсатиш мумкин. Тегишли тушунча билан биргаликда тилимизга ўзлашиб бўлган, ўз сўзимизга айланиб кетган "институт", "аэропорт", "архив", "стадион", "газета", "журнал", "факультет" каби сўзларни хорижий сўз "тамғаси" билан тилдан чиқариб, уларнинг ўрнига "олийгоҳ", "тайёрагоҳ", "ҳужжатасровхона", "ўйингоҳ", "рўзнома", "мажалла" ("ойнома", "ойбитик"), "куллиёт" каби гўёки ўзбекча сўзларни тилга киритишга уриниш аниқ бир эҳтиёж талаби бўлмагани учун бундай "ислоҳотлар" тилдан

1. Батафсил қар.: Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы её нормализации. Дисс. ... канд. филол. наук. -Т., 1986. -С.153, 157.

(See More: Madvaliev AP Uzbek chemical terminology and questions of its normalization. Diss. ... cand. philol. sciences. -T., 1986.-P.153, 157.)

ташқарида қолиб кетди. Зукко тилшунос академик А.Ҳожиёв бениҳоя тўғри қайд қилганидек, "бундай уриниш ўзбек тилига, унинг истеъмолчисига зарардан бошқа нарса келтирмайди"¹.

Бугун мустақил Ўзбекистонда тамомила янги, эркин, ҳуқуқий демократик давлат барпо қилинган, унда маънавий-маърифий ва иқтисодий ислохотлар шиддат билан ривож топмоқда. Бу давлат тенглар ичида тенг сифатида барча соҳаларда дунё билан бўйлашиб турибди. Ўзбек тилининг лугат бойлиги ҳам Биринчи Президентимиз раҳнамолигида шаклланган холис тил сиёсати боис мунтазам такомил топиб бормоқда. Мустақиллик давридаги ўзбек тили лексикаси ва терминологияси тараққиётидаги фактлар шуни кўрсатадики, сўз ўзлаштиришнинг биринчи типи бениҳоя кенг тарқалган. Ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, иқтисодий, илғор техника ва технологияларга оид қуйидаги каби сўз ва терминлар айнан хорижий сўз ўзлаштиришнинг биринчи типига оиддир: брифинг, брокер, бартер, лизинг, бизнес, биржа, грант, дивидент, дефицит, профицит, инвестиция, инвестор, маркетинг, интернет, онлайн, компьютер, принтер, сервер, файл, сайт, веб-сайт, винчестер, рейтинг, флешка, имиж, лицей, коллеж, гимназия, бакалавр, магистр, тест, грант, мультимедиа, модернизация, диверсификация, диагностика ва ҳ.к. Бундай хорижий ўзлашмалар нафақат

тегишли соҳалар доирасида, балки, умуман, кенг омма нутқида ҳам бемалол ва эркин қўлланмоқда. Масалан: Марказий сайлов комиссиясининг кенгайтирилган онлайн мажлиси бўлиб ўтди ("Халқ сўзи", 2015, 28 март). Эсингизда бўлсин, kitob.uz сайтида саволларни олдиндан юбориш имкони мавжуд ("Маърифат", 2012, 18 апрель). Энг яхши веб-сайтлар аниқланди ("Маърифат", 2015, 21 январь). Ўзбекистонда кредитлаш тизими жаҳон рейтингида юқори поғонага кўтарилди ("Ишонч", 2014, 1 ноябрь).

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, дунёда фан ва технологияларнинг юксалишига ҳамоҳанг равишда жамиятда умумий тараққиёт даражасининг ўсиб бориши ва мамлакатлар ўртасидаги турли соҳадаги алоқаларнинг мунтазамлашиши ҳамда мустақамланиши билан жамият аъзоларининг ўз тилидаги хорижий ўзлашмага нисбатан тамоман салбий муносабати анчайин сусаяди.

Хуллас, бугун мустақиллик даври ўзбек тили лексикаси ва терминологиясида сўз ўзлаштиришнинг биринчи типи кўлам касб қилганлигини, фаоллашганлигини, иккинчи типи эса сезиларли даражада пасивлашганлигини таъкидлаш мумкин. Бу ҳолат ўзбек тили лексикаси ва терминологияси ривожидидаги ўзига хос тамойиллардан бири эканлигини эътироф этмоқ жоиздир.

1. Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. -Т.: Фан, 1996. -Б.13.
(Hojiev A. Term Selection Criteria. -T.: Fan, 1996. -P.13.)